

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 24958,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 104,0 фоизга тенг бўлди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 155,9 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 25312,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 % га юқори бўлди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		2018 йил январь-сентябрга нисбатан, % да
	2018 йил	2019 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	15389,9	24958,5	104,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14851,5	24105,5	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	538,5	853,0	104,2
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14851,5	24105,5	104,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3464,6	4023,4	102,6

	млрд. сўм		2018 йил январь-сентябрга нисбатан, % да
	2018 йил	2019 йил	
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	8971,6	17001,8	104,3
саноат	8275,4	15883,9	101,9
қурилиш	696,1	1117,8	132,6
Хизматлар	2415,3	3080,4	105,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	684,2	816,6	104,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	465,9	506,4	103,0
бошқа хизматлари	1265,2	1757,4	106,2

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби, (% да)



2019 йил




2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (132,6 фоиз), бошқа соҳа хизматлари (105,1 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (103,0 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (104,5 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (102,6 фоиз), Саноат (101,9 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 31,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2018 йил январь-сентябрга нисбатан 9,7 фоизли бандга камайди.

2019 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 12,8 фоиз (2018 йил январь-сентябрида 16,3 фоиз)ни ташкил қилди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (2018 йил январь-сентябрга нисбатан, % да)



Хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 12,8 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 3,5 фоизли пунктга камайди.

